

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 283-ҳадис

283 - :«...»

«...»

«...»

1. 283. Амр ибн Аҳвас ал-Жушамий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Бу киши Набий соллаллоху алайҳи васалламни видолашув ҳажидида Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан кейин одамларга қуйидагича эслатиб ваъз ва насиҳат қилганларини эшитдилар. Сўнгра у зот:

«Огоҳ бўлинглар, аёлларга (яхши) муомала қилинглар. Албатта, аёллар сизларнинг асирларингиздир. Бундан бошқа нарсага эга эмассиз. Фақатгина очиқ-ойдин фоҳишалик қилишсагина, бундай эмас. Агар итоатсизлик қилишса, ётоқни тарк этинг. (Яъни, улар билан бир жойда ётманг. Шунда ҳам сизларга бўйинсунмасалар) оғритмайдиган қилиб уринглар. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар. Огоҳ бўлинглар, сизларнинг

аёллар зиммасида ҳақларингиз бор. Ва аёлларингизнинг сизларнинг зиммангизда ҳақлари бор. Сизларнинг улар зиммасидаги ҳақларингиз ётадиган тўшагингизга сизлар ёмон кўрган кишининг қадамини етказмаслик. Ва ёмон кўрган кишингизни уйингизга киришга изн бермаслигидир. Огоҳ бўлинг, аёлларнинг сизлар зиммангиздаги ҳақлари яхши либос ва яхши таом билан таъминламоқлигингиздир».

Имом Термизий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

